



МУЛОҚОТ КУНИ НИШОНЛАНДИ

ЮНЕСКОда Буюк Ипак йўлининг турли маданиятлар ва цивилизациялар ўртасидаги мулоқотни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси муҳокама қилинди

ЮНЕСКО штаб-квартирасида “Ипак йўли бўйлаб келажакка оид ёшлар мулоқоти” мавзuida симпозиум ўтказилди.

Анжуман Ўзбекистоннинг мазкур тузилмадаги доимий вакили, ЮНЕСКОнинг “Ипак йўли” дастури ва Хитойнинг ташкилотдаги дипломатик ваколатхонаси билан биргаликда ташкил этилди.

Тадбир Ўзбекистон ва Хитой ташаббуси билан 2024 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан эълон қилинган 10 июнь — Халқаро цивилизациялар ўртасидаги мулоқот кунини нишонлаш доирасида бўлиб ўтди.

Биз ва жаҳон

Симпозиумда ЮНЕСКО Бош директорининг табиий фанлар бўйича ёрдамчиси Лидия Брито, аъзо давлатларнинг ЮНЕСКО ҳузуридаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари ва вакиллари ҳамда ёш олимлар, халқаро экспертлар иштирок этди.

Тадбирда Ипак йўлининг тарихий мероси ва турли маданият ҳамда цивилизациялар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорликини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, жумладан, санъат ва адабиёт, фалсафа ҳамда маънавият, фан, билим ва “ноу-хау” каби соҳалар мисолида муҳокама қилинди.

Сўзга чиққанлар бир-бирини бойитиш, умумий ривожланиш ва барқарор тинчлик учун Ипак йўли бўйлаб турли маданиятлар ва цивилизациялар ўртасидаги мулоқот ва алмашинувлар муҳимлигини таъкидлади.

Тадбир шунингдек, савдо, илм-фан, санъат ва маънавият каби турли соҳалардаги цивилизациялар хилмахиллигининг кадр-кимматининг аниқлаш, мулоқот, ўзаро ҳурмат ва глобал ҳам-жаҳатликни ривожлантириш, янада уйғун ва ўзаро боғланган дунёни тарғиб қилишга ҳисса қўшди.

Хусусан, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги доимий вакили тадбир иштирокчиларига Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган юртимизнинг Бухоро, Самарқанд ва Хива каби тарихий шаҳарларининг турли халқлар, маданият ва цивилизациялар ўртасидаги мулоқотни ривожлантириш, илмий кашфиётлар, технологиялар ва интеллектуал

анъаналар алмашишдаги ўрни ҳақида маълумот берди.

Марказий Осиёнинг Мухаммад ал-Хоразмий, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний каби буюк аллома ва мутафаккирларининг Буюк Ипак йўли бўйлаб илмий алмашинув ва мулоқотни ривожлантиришдаги тарихий ҳиссаси қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев янги Ўзбекистонда илм-фан, таълим ва маданиятни ривожлантириш орқали Учинчи Ренессансни барпо этишга алоҳида эътибор қаратаётгани таъкидланди. Шунингдек, иштирокчилар Ўзбекистоннинг илмий ҳамкорликини ривожлантириш, етакчи жаҳон илмий марказлари билан шериклик алоқаларини йўлга қўйиш, янги тадқиқот тармоқларини яратиш, дунёнинг турли мамлакатлари ва минтақалари ўртасида илмий-техника алмашинуви-ни кенгайтириш бўйича халқаро ташаббуслар билан танишди.

Хусусан, Тошкент шаҳрида Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилгани, сунъий интеллект этикаси соҳасидаги илмий тадқиқотлар учун Беруний номидаги ЮНЕСКО — Ўзбекистон халқаро муқофоти таъсис этилгани таъкидланди.

Шу йилнинг октябрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтadиган ЮНЕСКОнинг 14-Ёшлар форуми ёш олимлар учун мулоқот, ҳамкорлик ва билим ал-машини кенгайтириш платформаси бўлиши таъкидланди.

«Дунё» АА.
Париж

Учрашув

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ БОРАСИДАГИ ЮТУҚЛАРИ ЭЪТИРОФИ

Женева шаҳрида Халқаро меҳнат конференциясининг 113-сессияси бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия раиси Танзила Норбоева ҳам иштирок этди ва қатор учрашувлар ўтказди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Женева шаҳрида Халқаро меҳнат конференциясининг 113-сессияси доирасида Халқаро меҳнат ташкилоти Бош директорининг ўринбосари Беате Андрес билан учрашув ўтказди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган мамлакат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда муносиб меҳнат таъминлашнинг илгари суриш, Халқаро меҳнат ташкилотининг муҳим конвенцияларини ратификация қилиш, халқаро стандартларни миллий амалиётга кенг татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган ишлар юқори баҳоланди.

Шунингдек, Ўзбекистонда 2030 йилгача бўлган даврга мамлакат дастурини ишлаб чиқиш масалалари кўриб чиқилди.

Унда Барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган устувор вазифаларнинг ижросига, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, уч томонлама миллий ҳамкорлар ва давлат меҳнат инспекторларининг касбий малакасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишга қилишиб олинди.

Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий ко-

миссия раиси Танзила Норбоева Халқаро меҳнат ташкилотининг Халқаро меҳнат стандартлари департаменти директори Корин Варга билан учрашди.

Учрашувда сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат конвенцияларини ратификация қилиш бўйича тизимли ишлар олиб борилаётгани таъкидланди. Жумладан, бугунги кунга қадар 25 та конвенция ва 1 та баённома ратификация қилинган.

Жорий ташриф якунлари бўйича ХМТ департаменти тавсияларини инобатга олган ҳолда махсус “Йўл хари-таси” ишлаб чиқилиши қайд этилди. Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган мамлакат дастурини амалга ошириш доирасида барча режалар, шу жумладан, меҳнат инспекцияси институти янада ривожлантириш бўйича вазифалар бажарилмоқда.

Ўз навбатида, К. Варга Ўзбекистоннинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлашда эришган ютуқларини юқори баҳолади. Мамлакатимиз Халқаро меҳнат ташкилотининг жаҳон стандартларига содиқлигини намойён этаётган ишончли ҳамкорга айлانгани таъкидланди. Унинг фикрига кўра Ўзбекистон меҳнат инспекцияси тизими бошқа давлатлар учун намуна бўлиши мумкин ва ХМТ ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни давом эттиришга тайёр.



Акс садо

ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

Бугунги глобаллашув ва рақобат шароитида ҳар бир мамлакат тараққиётини таъминлашда инвестициялар ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Зеро, инвестиция — фақат молиявий ресурс эмас, балки иқтисодий ўсиш, иш ўринлари яратилиши, инновация ва замонавий технологияларнинг жорий қилиниши, энг муҳими, тинчлик ва барқарорлик кафолати.

Шу маънода, тўртинчи бор ўтказилган Тошкент халқаро инвестиция форуми мамлакатимиз учун муҳим платформа бўлди. Инвесторлар билан ҳамкорлики кучайтириш ва Ўзбекистоннинг инвестициялар учун жозибдор мамлакат сифатидаги имижини тарғиб қилишда катта аҳамият касб этмоқда.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз сўнгги йилларда инвестициявий муҳитни яхшилаш, очик ва шаффоф иқтисодий ислохотлар орқали халқаро ҳамкорларни кенг жалб этиш борасида хиддий қадамлар ташламоқда. Давлат раҳбарининг таъбири билан айтганда, “Келинг, биргаликда шундай инвестиция муҳитини яратайликки, у даромад келтириш билан бирга инсон кадрини улуғлайдиган, унинг ҳаётий манфаатларини таъминлайдиган ва жамият равангига хизмат қиладиган мустаҳкам пойдеворга айлانسин!”

Тан олиш керакки, сўнгги йилларда жаҳондаги

сиёсий-иқтисодий жараёнлар бизга бир ҳақиқатни янада яққол кўрсатмоқда. Яъни инвестиция, бу — фақат молиявий ресурслар оқими эмас. У замонавий технологиялар, билим ва тажриба, малакали кадрлар, халқаро ишлаб чиқариш занжирига интеграция ва энг муҳими, барқарор тараққиёт ва тинчлик дегани.

Айни шу нуктаи назардан, Ўзбекистон инвестиция сиёсатини тубдан янгиллаб, уни инсон капитални ривожлантириш ва миллий иқтисодиётни глобал қиймат занжирларига боғлаш воситасига айлантирмоқда.

Дейлик, фақат бир мамлакат доирасида эмас, балки бутун минтақа миқёсида тараққиётни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон томонидан “Инвестиция ва савдо учун яхлит ҳудуд” концепцияси илгари сурилди.



Парламент дипломатияси

ИШОНЧЛИ ВА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

11-12 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов бошчилигидаги делегация Остона шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар Парламент ассамблеяси (ТуркПА)нинг “TURKTIME: Парламент дипломатиясининг роли” мавзuidaги 14-ялпи мажлисда қатнашди.

Ялпи мажлисда минтақавий барқарорликни мустаҳкамлаш, умумий ва узвий тараққиётни таъминлаш, сиёсий мувофиқлаштириш борасида миллий парламентларнинг роли муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Ўзбекистон парламенти ҳамда бошқа иштирокчи давлатлар делегациялари Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни алоҳида таъкидлади.

Мажлис давомида жаҳондаги сиёсий вазиятнинг ривожланиш истиқболларини баҳолаш, ташкилотнинг жорий фаолияти, масъул шахсларни сайлаш, шунингдек, ташкилий-молиявий масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, ташкилот Бош котиби сайлови ўтказилиб, унинг якунига кўра мазкур лавозимга Озарбайжон парламенти депутаты Рамил Ҳасан сайланди.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Президентининг нутқларида, жумладан, Туркий давлатлар ташкилоти раҳбарларининг норасмий учрашувидаги нутқида илгари сурилган ташаббуслардан келиб чиқиб, мамлакатимиз делегацияси томонидан Ўзбекистон ва ТуркПА ўртасида ҳамкорлиқнинг юртимиз учун долзарб бўлган йўналишлари қайд этиб ўтилди.

Қизгин ва самимий мулоқот

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқоев Туркий давлатлар Парламент ассамблеяси (ТуркПА)нинг ялпи мажлисида иштирок этиш учун

Остона шаҳрига келган Ўзбекистон, Қирғиз Республикаси, Туркия ва Озарбайжон парламентлари раҳбарларини қабул қилди.

Сўхбат давомида қардош мамлакатлар ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Миллий манфаатларни ифодаловчи парламент дипломатиясининг стратегик аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Шунингдек, мулоқотда сўнгги йилларда Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатлари икки ва кўп томонлама ҳамкорлик форматларида янги босқичда ривожланиб бораётгани қайд этилди.

Парламентлараро алоқалар — ҳаётий ташаббусларни рўёбга чиқаришда муҳим омил

Туркий давлатлар Парламент ассамблеяси доирасида Ўзбекистон делегацияси Қозоғистон, Озарбайжон ва Қирғизистон парламентлари раислари билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Хусусан, Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси Раиси Е. Кошанов билан учрашувда парламентлараро муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари муҳокама марказида бўлди.



ЁРУҒ КЕЛАЖАКНИ БАРПО ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН ЭЗГУ МАҚСАД

10 — 12 июнь кунлари бўлиб ўтган тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми мамлакатимизнинг янги инвестицион сиёсати, очик, прагматик ва узоқни кўзловчи ёндашувини намойён этган муҳим воқеа бўлди. Эътиборлиси, Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этган ялпи мажлисда билдирилган фикрлар, таклиф этилган аниқ ташаббуслар халқаро жамоатчилик томонидан зўр қизиқиш ва ишонч билан қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида жаҳондаги хавфли ўзгаришлар, глобал инқирозлар ва барқарор ривожланиш учун юзага келаётган тўсиқлар ҳақида тўхталиб, бундай шароитда сармояларнинг ўрни янада стратегик аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Қайд этилганидек, инвестиция энди иқтисодий кўрсаткичлар билан чегараланиб қолмаяпти — у тинчликни мустаҳкамлаш, барқарорликни таъминлаш, иш ўринлари яратиш, таълим ва фанга инвестиция киритиш воситасига айланмоқда. Шундан келиб чиқиб, Президентимиз

барча халқаро ҳамкорларни очиклик ва конструктив мулоқот асосида биргаликда ҳаракат қилишга чақирар экан, сармоявий муҳитни яхшилаш умумбашарий манфаатларга хизмат қилишига алоҳида аҳамият қарқди.

Ўтган саккиз йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг икки баробар ўсгани, 2024 йилда сармоялар ҳажми 35 млрд. доллар, экспорт эса 27 млрд. долларга етгани, шак-шубҳасиз, миллий иқтисодиётимиздаги чуқур ислохотларнинг амалий натижасидир.



ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ ЯРАТИШДА САМАРАЛИ ЙЎЛ

Инвестиция — иқтисодиёт драйвери. Бу, аввало, тараққиёт, ўсиш дегандир. Янги иш ўринлари, хизматлар сифати ошиши ва умуман, ҳаёт даражасининг яхшиланишига ишора. Бу — барқарор ривожланиш кафолати.

Айтиш керакки, сўнгги йилларда Ўзбекистон бу соҳада кескин илдамлади. Давлатимизнинг иқтисодий салоҳияти ва инвестицион жозибдорлиги тобора ор-тиб, атрофдаги бизнес доира вакиллари эътиборини тортиб улгурди.

Инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатлар яратилди, уларга молиявий ва солиқ имтиёзла-ри берилди, рақобатбардош бозор, шаффоф ва барқарор сиёсий муҳит юзага келди. Нартижада чет эллик инвесторлар-нинг давлатимизга бўлган

қизиқиши тобора ошиб, иқтисодиётимизга киритилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳажми кўпаймоқда. Масалан, сўнгги беш йилда Ўзбекистонда чет эл сармояси иштирокидаги қўшма ва хорижий корхоналар сони 1,3 баробар ўсган. 2025 йил 1 май ҳолатига кўра Ўзбекистон ҳудудида 4043 та қўшма ва 11 964 та хорижий корхона фаолият юритмоқда. Бу кўрсаткич мамлакатда инвестицион муҳит яхшиланиб бораётганини тасдиқлайди.



Маҳаллийлаштириш

“Тошкент йўловчи вагонларини куриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамияти кон-металлургия корхоналари учун махсус вагонлар куришни йўлга қўйди. “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ буюртмаси асосида ана шундай вагонларнинг дастлабки 15 таси ишлаб чиқарилди.

Куни кеча замонавий дизайнга эга янги авлод вагонларини буюртмачиларга топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, мазкур вагонлар мамлакатимиз вагонсозларининг навбатдаги ютуғи бўлди. Шубҳасиз, бу давлатимиз раҳбари ташаббуси билан заводнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш, йўловчилар учун қўлай, сифатли ва хавфсиз вагонлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида олиб борилаётган ислохотлар самарасидир.



Акмал МУҲАММАДОВ олган суратлар.

Дарҳақиқат, Президентимиз 2024 йил 19 март кунги Тошкент йўловчи вагонлари-ни куриш ва таъмирлаш за-водига ташрифи чоғида ва-гонсозликни бугунги замон талаблари асосида ривож-лантириш, ишлаб чиқари-

лаётган вагонлар дизайнини ўзгартириб, йўловчиларга қўлайлиқни ошириш масала-сига эътибор қаратган эди. Айниқса, кон-металлургия корхоналари учун махсус ва-гонлар куришни йўлга қўйиш бўйича аниқ вазифалар бел-

гилаб берар экан, уни кўрган одамлар янги Ўзбекистонда-ги ўзгаришларни сезиши, инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ҳаётий янгиланишлардан руҳланиши кераклигини таъкид-лаганди.



ЎЗБЕКИСТОННИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ БОРАСИДАГИ ЮТУҚЛАРИ ЭЪТИРОФИ

Шунингдек, муносиб меҳнатни таъминлаш ва халқаро мажбуриятларни бажариш бўйича Ўзбекистоннинг муваффақиятли тажрибасини оммалаштириш учун Марказий Осиё мамлакатлари парламентларининг мулоқоти, аёллар форумлари, шунингдек, минтақа касба уюшмаларининг иттифоқлараро мулоқоти каби халқаро платформаларидан фойдаланиш имкониятларига алоҳида эътибор қаратилди.

Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича

миллий комиссия раиси Танзила Норбоева “Better Cotton” халқаро ташиқоти бош директори Алан Маклей билан ҳам учрашув ўтказди. Унда Ўзбекистонда “Better Cotton” дастурини амалга ошириш жараёнлари ва мазкур йўналишдаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Сўхбат чоғида “Better Cotton” дастурининг нафақат сертифициклаштириш воситаси, балки экологик, ижтимоий ва меҳнат амалиётларини яхшилашга хизмат қилувчи платформа сифатидаги аҳамиятига алоҳида урғу берилди. Шу билан бирга, дастурда

иштирок этиш орқали Ўзбекистон ишлаб чиқарувчилари учун жаҳон бозорларига чиқиш имкониятлари кенгайиши ва мамлакатнинг тўқимачилик маҳсулотлари соҳасида масъулиятли етказиб берувчи сифатидаги мавқеи ошиши қайд этилди.

Ўзбекистонда “Better Cotton” дастури қамровини кенгайтириш истиқболлари ҳам муҳокама қилинди. Бугунги кунда дастур қарийб 30 минг тонна пахта хомашёси етиштирадиган 6 та кластерни қамраб олган.

Томонлар шерикликини янада мустаҳкамлашга қелишиб олди.

«Халқ сўзи».

Эътироф

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

Кеча Женевада ўз ишини аяунлаган Ижтимоий адолат учун Глобал коалиция форуми доирасида “Ҳамкорлар суҳбати — инсон ҳуқуқлари иқтисодиёти” мавзусида бўлиб ўтган панель муҳокамасида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева расмий баёнот билан иштирок этди.

Сенат Раиси Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, ижтимоий адолатни мустаҳкамлаш ва ҳар бир фуқарога муносиб турмуш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Баёнотда иқтисодий ва ижтимоий сиёсат фуқаролар манфаатларига хизмат қилиши, инсон ҳуқуқлари эса инклюзив ҳамда барқарор иқтисодиётнинг асосига айланиши кераклиги алоҳида қайд этилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон инсон салохиятини ривожлантириш, коррупцияга қарши курашиш, самарали бошқарув ва экологик барқарорликка эришишни асосий устуворлик деб билади. Ушбу тамойиллар инсон ҳуқуқларига асосланган иқтисодиёт ёндашуви билан уйғунлашади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон меҳнат ҳуқуқлари соҳасида муҳим натижаларга эришди. ХМТнинг барча асосий ва устувор конвенцияларини ратификация этилди. 2023 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституция ва Меҳнат кодексида ушбу халқаро стандартлар ўз аксини топган. Айниқса, аёллар, ёшлар ва заиф гуруҳлар манфаатларини ҳимоя қилувчи жамоавий қелишув институти қучайтирилди.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга нафақат имтиёз, балки фундаментал ҳуқуқ сифатида қаралаётгани таъкидланди. ХМТ билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган “2030 йилгача ижтимоий ҳимоя бўйича миллий стратегия” универсал қамров, ижтимоий хизматлар, ижтимоий сўғурта ва меҳнат бозоридаги фаол чораларни назарда тутди.

Баёнот якунида инсон ҳуқуқлари тамойилларини глобал молиявий бошқарув тизимларига чуқур интеграциялаш зарурлиги таъкидланди. Бундай ёндашув Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва “ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги” тамойилини амалга оширишда муҳим ўрин тутди.

Тадбир давомида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси сўнгги йилларда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида эришилган ижобий тажрибани эътироф этди.

Ўзбекистон ҳамкорликка тайёрлигини, тажриба алмашишга очиқлигини ва ҳар бир сиёсат, бюджет ҳамда ислохот инсон ҳуқуқларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши керак деган қатъий позициясини яна бир бор тасдиқлади.

«Халқ сўзи».

ИШОНЧЛИ ВА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Сўнгги йилларда икки давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси, олий даражадаги учрашувлари туфайли Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари юксак даражага кўтарилгани мамнуният билан қайд этилди.

Мамлакатларимиз ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг имзолангани ва у асосида манфаатли қелишувларга эришилаётганига алоҳида урғу берилди.

Давлат раҳбарларининг Ўзбекистон ва Қозоғистон парламентлараро ҳамкорлик кенгашини тузиш борасидаги ташаббуслари самараси алоҳида таъкидлаб ўтилди. Мазкур кенгашнинг икки ҳафта олдин ўтказилган навбатдаги мажлиси якунлари ижобий баҳоладиган.

Ўз навбатида, Е. Кошанов Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда барча соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни юқори баҳолаб, икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлган парламентлараро ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш

ҳар томонлама фойдали эканини қайд этди.

Қирғиз Республикаси Жогорку Кенеси торағаси Нурланбек Тўғунбек ўғли билан учрашувда ўзбек — қирғиз муносабатлари стратегик шериклик даражасида фаол ривожланиб бораётгани, давлат раҳбарларининг мунтазам учрашувлари ва олий даражадаги музокаралар икки томонлама парламентлараро муносабатларни кенгайтириш учун мустаҳкам замин яратгани қайд этилди.

Н. Тўғунбек ўғли Ўзбекистон етакчилиги томонидан олиб борилаётган прагматик ташқи сиёсат, айниқса, қўшни давлатлар билан муносабатни яхшилашга қаратилган сазй-ҳаракатлар Марказий Осиёда барқарор ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тараққиётнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилаётганини эътироф этди.

Унинг фикрича, жорий йил апрель ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифокнинг 150-йўбилей ассамблеяси юқори даражада ташкил этилган бўлиб, у Ўзбекистон парламент дипломатиясининг ютуғи бўлди ва мамлакатнинг жаҳон майдонида юк-

салиб бораётган обрўсини намоён этди.

Озарбайжон Республикаси Миллий Межлиси Раиси Соҳиба Гафорова билан учрашувда Ўзбекистон ва Озарбайжон муносабатлари иттифоқчилик даражасига кўтарилгани, ҳамкорлиқнинг барча йўналишда ижобий ўсиш кузатилаётгани алоҳида қайд этилди.

С. Гафорова Ўзбекистон ва Озарбайжон давлат раҳбарларининг парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги улкан ролини алоҳида қайд этди.

Унинг таъкидлашича, давлат раҳбарлари ўртасидаги очиқ, ўзаро ишонч, ҳақиқий биродарлик алоқалари туфайли Ўзбекистон ва Озарбайжон, хусусан, парламентлар ўртасидаги ҳамкорлик барқарор, жадал, ғоятда самарали хусусиятга эга бўлди. Етақчиларнинг парламент дипломатиясини қўллаб-қувватлаш борасидаги ташаббуслари икки томонлама ҳамда кўп томонлама шаклдаги шериклик учун мустаҳкам сиёсий пойдевор яратди.

Учрашувлар дўстона ва конструктив руҳда ўтди.

«Халқ сўзи».

ИККИ ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАРНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Беларусь Республикаси ташқи ишлар вазири Максим Риженков билан учрашди.

Мулоқот

Учрашувда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада чуқурлаштириш, жумладан, парламентлараро ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Икки давлат раҳбарларининг ўзаро ишонч ва дўстона муносабатлари туфайли Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашгани, мамлакатларимиз дўстлик ва манфаатдорлик тамойиллари асосида ривожланиб бораётгани қайд этилди.

Сўхбат чоғида меҳмонларга янги таҳрирдаги Конституция ва “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, Қонунчилик палатасининг таркибий тузилиши, унинг қонун ижодкорлиги йўналишидаги фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

М. Риженков илиқ қабул учун миннатдорлик билдириб, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда барча соҳада олиб борилаётган тарихий

ислохотлар ва унинг натижаларини юқори баҳолади.

“Биз ўзбек халқини узоқ йиллардан бери ишончли дўст ва яқин ҳамкор сифатида қадрлаймиз. Ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ишонч тамойилларига асосланган муносабатларимиз бугунги кунда нафақат икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлашга, балки парламентлараро ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда”, деди М. Риженков.

Учрашувда парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш икки халқнинг кўп йиллик қадриятларига ҳамоҳанг эканлиги алоҳида таъкидланди.

«Халқ сўзи».

Сенат қўмитасида

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди.

Унда дастлаб иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокүратура органларининг 2024 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқди.



ланди. Тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни қатъий амалга ошириш зарурлигига урғу берилди.

Шундан сўнг мажлис иштирокчилари “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига парламентдаги муҳолифатнинг кафолатланган ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунни муҳокама қилди.

Қайд этилишича, ушбу қонун сўз эркинлигини таъминлаш, сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб “Парламент назорати тўғрисида”ги, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятини тартибга солувчи қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқилгунига қадар ҳам ўша масалага доир қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш каби қўшимча ҳуқуқлар ўзини парламентдаги муҳолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракциясига берилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда. Шунингдек, мазкур фракциянинг вакиллари Қонунчилик палатасининг бир нафар қўмита раиси ва икки нафар қўмита раиси ўринбосари лавозимларини кафолатли эгаллаш, ҳар чоракда “ҳукумат соати” ва парламент сурови доирасида масала киритиши назарда тутилмоқда.

Мажлисида “Ижро иши бўйича кафолат маблағларини киритиш институти жорий қилиниши муносабати билан “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Қонун билан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизими такомиллаштирилмоқда.

Жумладан, қонун билан мулкий тусдаги суд ҳужжати бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини мажбурий ижро органининг депозит ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш йўли билан таъминлаш кўзда тутилмоқда. Бу механизм ижро ишларини вақтинча тўхтатиш, қарздор ва унинг мулкига нисбатан қўлланилган чекловларни бекор қилиш имконини беради.

Мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

Ушбу ғоянинг амалга ошишидан минтақадаги барча давлатлар манфаатдор, десак, муҳолага бўлмади. Сабаби иқтисодий алоқалар қўшни давлатлар ўртасида самарали ва узлуксиз ҳамкорликни тақозо этади. Инфратузилмавий лойиҳалар, умумий бозорлар, стандартлашган регламентлар ва ўзаро ишонч минтақавий барқарор ривожланишнинг кафолатига айланади.

Давлатимиз раҳбари форумдаги нутқида халқаро ташиқлотларга мурожаат қилиб, минтақавий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун янги молиявий механизмларни йўлга қўйиш вақти келганини таъкидлади. Айтиш керакки, мазкур ташаббус Марказий Осиё давлатларининг умумий келажакни тинчлик ва фаровонлик маконига айлантиришга қаратилган амалий қадамдир.

Ўзбекистон ташаббуси билан илгари сурилган ташаббуслар, хусусан, “Инвестиция ва савдо учун яқин ҳудуд” концепцияси ва унинг халқаро ташиқлотлар томонидан қўллаб-қувватланиши Марказий Осиё учун стратегик аҳамиятга эга. Агар ҳамжиҳатликда ҳаракат қилинса, келгусида минтақамиз савдо ва сармоёлаш учун очиқ, сиёсий ҳамда иқтисодий жиҳатдан барқарор, энг муҳими, тинчлик ва фаровонлик маконига айланади.

Гулнора МАЪРУФОВА, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш қўмитаси аъзоси.

ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ ЯРАТИШДА САМАРАЛИ ЙЎЛ

Шу кунларда пойтахтимиз IV Тошкент халқаро инвестиция форумига мезбонлик қилганининг ўзи ҳам бунинг яна бир исботидир. Ушбу форум глобал мулоқот ва инвестициявий соҳадаги илгор тажриба алмашиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Аньанга кўра форумнинг дастлабки кунида давлатимиз раҳбари иштирок этиб, нутқ сўзлади. Таъкидланганидек, ҳозирги қийин шароитда Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликни сақлаб қолишга асосий эътибор қаратилаяпти. Натижада ялпи ички маҳсулотимиз саккиз йилда 2 баробар кўпайди. 2030 йилга бориб бу кўрсаткични 200 млрд. долларга етказиш кўзда тутилган.

Президентимизнинг нутқи анжуманининг нуфузини янада ошириш барибарабди бутун дунё ишбилармонларида катта таассурот қолдирди. Нутқда илгари сурилган муҳим ташаббуслар икки ва кўп томонлама ҳамкорликини мустаҳкамлаш, янги бизнес имкониятларини кашф этишга хизмат қилиши билан ғоят аҳамиятлидир.

Ўзбекистон етакчаси нафақат даромад келтирадиган, балки инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳаётий ман-

фаатлари ва жамият тараққиётини таъминлаш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қиладиган инвестиция муҳитини яратишга қачқирди. Бугун жаҳон иқтисодиёти янги ўзгаришлар остонасида турганини таъкидлар экан, давлатимиз раҳбари тўртта асосий йўналиш бўйича ҳамкорлик қилиш муҳимлигини кўрсатиб ўтди.

Чундан ҳам, ушбу форум нафақат мамлакатимиз, балки халқаро миқёсдаги яна бир муҳим платформадир. Халқаро ҳамжамият эътиборига энергетика, инфратузилма, қишлоқ хўжалиги, фойдала қазилмаларини қазиб олиш sanoati, рақамли технологиялар ва бошқа стратегик муҳим соҳаларга оид умумий қиймати 30 млрд. доллардан ошқ бўлган инвестицион лойиҳалар тақдим этилгани ҳам форумнинг қўламини оғдоталайди.

Шу билан бирга, давлатимизнинг ташқи иқтисодий алоқаларини янада ривожлантириш учун муҳим қадамдир. Ўзбекистондаги инвестицион фаоллигини кучайтириш, хорижий ҳамкорлар билан бақамати иш юритиш, улар тажрибасини татбиқ этиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, чет эл бозорларига

йўл очиш учун бу муҳим, албатта.

Форум доирасида илк бор sanoati кўргазмаси ўтказилгани мамлакатнинг иқтисодий имкониятларини кўрсатиш ҳамда ўзаро манфаатли лойиҳаларни қелишиш учун қулай майдон бўлди. Кўргазмада электро-техника, фармацевтика, озиқ-овқат sanoati, фармацевтика, чармsanoati, қурилиш материаллари, машинаsanoati, тоғ-қон sanoati, металлургия, энергетика, автомобилsanoati, кимё, молиявий хизматлар, IT, туризм ва бошқа соҳаларда хорижий инвесторлар учун лойиҳа тақлифларини тақдим қилган 100 га яқин маҳаллий корхоналар намойиш этилгани катта бозорга, жаҳонга йўл дегани.

Янада аҳамиятли томони, Халқаро конгресс марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг учинчи ялпи мажлиси ўтказилди. Ушбу анжуман халқаро даражада глобал ҳамкорлик муносабатларини чуқурлаштириш ва мулоқот учун самарали платформа сифатидаги макомини мустаҳкамлади.

Чунки ҳукумат ва инвесторлар ўртасида фаол ҳамда очиқ мулоқот

бўлиб ўтди. Инвестиция муҳитини яхшилаш истиқболлари, ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш чоралари ва мамлакатнинг инвестициявий ҳозирдорлигини оширишга қаратилган аниқ, эътиборга молик ташаббуслар илгари сурилди. Анжуман доирасида тақдим этиладиган лойиҳалар энергетиканинг тортиб рақамли трансформацияга бўлган кенг соҳаларни қамраб олади.

Умуман, IV Тошкент халқаро инвестиция форуми Ўзбекистоннинг тез ривожланаётган инвестициявий минтақа сифатидаги имижини, жаҳон миқёсидаги ишончли ҳамкор сифатидаги позицияларини, ўрнини янада мустаҳкамлади. Янги молиявий механизмларни йўлга қўйиш, иш ўринлари яратиш, тадбиркорлик имкониятларининг кенгайиши ва маҳсулот ҳамда хизматлар сифати яхшилашнинг учун замин яратилди. Шу маънода айтadиган бўлсак, мазкур халқаро анжуман юртимиз иқтисодий тараққиёти тарихида муҳим босқич бўлиши, шубҳасиздир.

Раҳман ФОЗИЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

Тараққиётни мақсад қилган ҳар қандай давлат, аввало, таълим, илм-фанни ривожлантиради, кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратади. Чунки кўзда тутилган ҳар қандай ислохотни малакали мутахассислар рўёбга чиқаради.

Ўзбекистон ҳам тараққиётининг янги даврида аини масалага алоҳида аҳамият бермоқда. Таълим тизимини бутунлай янги, замон талабларига мос ва хос пойдевор асосига қурмоқда.

Таълим

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 15 май куни ўтказилган видеоселектор йиғилиши ҳам мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш бўйича устувор вазифалар муҳофазасига бағишланди.

— Дунёда исбот талаб қилмайдиган бир ҳақиқат бор: ҳар қандай мамлакат тараққиёти соғлом ва билимли авлодга боғлиқ, — деди Президент сўзининг бошида. — Шу боис янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида соғлом, билимли, теран фикрли, ватанпарвар ёшларни тарбиялаш учун барча шароитларни яратилишимиз шарт ва зарур.

Ана шу эзгу мақсад йўлида кейинги йилларда мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини янги босқичга кўтариш, замонавий компетенцияларга эга мутахассис кадрлар ва педагоглар тайёрлаш сифатини илгор халқаро тажриба асосида такомиллаштириш, узлуксиз таълим тизимининг барча тури (босқичлари) узвийлигини таъминлаш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Таълим дастурлари энг илгор мамлакатлар тажрибасига мослаштирилмоқда, дарсликлар янгиланяпти, таълим муассасаларига замонавий жиҳозлар тақдим этилаётир.

Маълумки, таълим дастурлари таълим мазмунини ягона платформада (занжирда) тизимлаштириб, асосий мақсадга, яъни шахсни муайян касбий фаолиятда зарур бўладиган билим, малака, кўникмага ўргатишга, маънавий камол топтиришга боғлаб шакллантирилади. Шундан келиб чиқиб, узлуксиз таълим тизимининг турлари (босқичлари) дастурларини

ўзаро давомлилик ва изчиллик принципларида узвий боғланган прогрессияда (ортириб, такомиллаштириб, ривожлантириб) тузилиши талаб этилади.

Албатта, таълим дастурлари босқичдан-босқичга узвий боғланганда нафақат мазмун, билимлар таркибини, балки уларни ўзлаштириш учун талаб этиладиган ўқитиш технологиялари ва педагогик услубийтлар

чиқиш ва жорий қилиш вазифаларини кўяди.

Мазкур жараён таълим муассасаларида, албатта, рақобат муҳитини яратади. Юқори сифатга эришиш мақсадлари учун бу ижобий омил. Шу билан бирга, бундай жараёнлар таълим турлари (босқичлари), таълим ташкилотларининг турлари, уларнинг ташкилий кўринишлари (давлат, нодавлат, хорижий), таълим олиш шакллари ўртасида ўзаро мувофиқлашув, тажриба алмашинув, ўзаро методик ёрдам ва қўллаб-қувватлаш муҳитида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Таълим ташкилотларини турли умумлаштирувчи платформаларда — ассоциациялар, уюшмалар, корпоратив бирлашмаларга тенг ҳуқуқлилик ва жамоатчилик асосида, ўзаро келишилган тараққиёт векторларини, услубийт ва сифат таъмино-



кадрлар тайёрлаш таълим инфратузилмасининг янги шакллари ривожлантиришга асос яратади.

Йиғилишда соҳадаги ҳар бир йўналиш атрофлича таҳлил қилиниб, устувор вазифалар белгиланди. Таълимни янги босқичга кўтариш ташаббуслар илгари сурилди.

Бундан ташқари, университет, марказ ва мактаблардан муаллимлар хорижга малака оширишга юборилади.

Давлатимиз раҳбари ёшларни нуфузли хорижий университетларда ўқитиш масаласига алоҳида тўхталди. Фарзандларимиз жуда иқтидорли экани, фақат уларни тўғри йўналтириб, мақсадли тайёрлаш зарурлиги таъкидланди.

Шу мақсадда “Президент иқтидорли фарзандлари” миллий дастури бошланади, Ал-Беруний номидаги халқаро мактаб ташкил этилади. Унга 8-синф битирувчиларидан саралаб олиниб, рейтингни юқори олийгоҳларга мақсадли тайёрланади.

Жамиятимизда илм-фанга эътиборнинг ортиб бориши, кучли тарғибот ва рағбатлантириш сиёсати натижасида илмий тадқиқот билан шуғулланишга қизиқиши юқори бўлган ёшларни аниқлаш ҳамда уларни мақсадли тайёрлаб боришининг узлуксиз тизимини жорий этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Албатта, бу жараён мутахассислардан кўп меҳнат ва янгича ёндашуви талаб қилади.

Айни истиқболга йўналган стратегик ислохотларнинг ижроси Ўзбе-

кистондаги барча олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари фаолиятида ҳам кўзга аққол ташланмоқда.

Бугунги кунда таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш орқали ўқитиш сифатини яхшилаш, рақобатбардosh кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил қилиш бош стратегик мақсадлардан бири сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Юқоридаги мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда шунини айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган таълим тизимини такомиллаштиришга оид ташаббуслар жамиятимизнинг ватанпарвар фуқаролари, олимлар, зиёлилар, депутатларимиз ва турли даражадаги раҳбарлар олдида қатор вазифаларни кўяди. Жумладан, маҳаллий таълим муассасаларининг ҳолатини ўрганиш, мактаблар, боғчалар, коллежлар, техникумлар ва олий ўқув юр்தларини замонавий, дунёвий ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича тақлифлар киритиш, ота-оналар, педагоглар ва ўқувчилар билан мулоқот қилиш, уларнинг муаммоларини ўрганиб, ечим топишга кўмаклашиш барчамизни кўзланган мақсадлар рўёби сари яқинлаштиради.

Таълим жараёнига илгор технологияларни, янги (комплекс, гибрид, рақамли) таълим шакллари, адолатли рақобат муҳитини жорий этиш, махсус қонунлар ёки қарорлар орқали инновацион лойиҳалар ҳамда тажрибани қўллаб-қувватлаш замон талабларига мос кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш, уларни янада такомиллаштиришга оид ташаббусларни илгари суриб орқали кўмаклаши билан биргаликда янги Ўзбекистон пойдеворини қуриш барчамизнинг вазифамиздир.

Ином МАЖИДОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
ректори, профессор.



Қочқинлар сони камаймоқда

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қочқинлар бўйича олий комиссарлиги иллий ҳисоботини эълон қилди. Унда халқаро миқёсда қочқинлар сони 13 йил ичида биринчи марта камайгани таъкидланган.

2024 йилда қочқинлар сони 36,8 миллионни ташкил қилди. Бу 2023 йилдагига нисбатан 559 минг кишига кам. Бироқ бу статистик маълумотларга 5,9 миллион фаластинлик қочқин киритилмаган.

Кайд этилишича, 2002 йилдан буён илк бор 9,8 миллионга яқин кишилар ўз минтақалари ёки мамлакатларига қайтган.

Шу билан бирга, можаролар, репрессиялар, зуравонликлар ва инсон ҳуқуқлари бузилиши туфайли уйини тарк этишга мажбур бўлганлар сони 123,2 миллион кишига етгани айтилмоқда.

Ҳиндистон аҳолиси ўсишда давом этипти

Айни дамда мамлакатда 1,5 миллиард киши истиқомат қилади. БМТнинг Аҳоли жамғармаси ҳисоботида қайд этилишича, келажақда бу рақам яна 200 миллионга ошиши кутилмоқда.

Ҳисоботда таъкидланишича, аҳоли сони тахминан 40 йилдан кейингина камайишни бошлайди. БМТнинг “Жаҳон аҳоли истиқболлари” номли ўтган йилги ҳисоботида Ҳиндистон аҳолиси 2060 йилларга бориб тахминан 1,7 миллиард кишига етиши прогноз қилинган эди.

Эслатиб ўтаамиз, Ер юзи аҳолисини реал вақт режимда ҳисобловчи “Worldometer” портали маълумотларига кўра ҳозирда сайёрамизда 8 миллиард 213 миллиондан кўпроқ аҳоли яшамоқда.

Дунёда қуrolли тўқнашувлар авж олмоқда

Норвегиянинг Осло тинчлик тадқиқотлари институти эълон қилган ҳисоботга кўра, Иккинчи жаҳон уруши туганидан буён уруш ва можаролар сони бўйича энг юқори кўрсаткич 2024 йилда қайд этилди. Ўтган йили жаҳоннинг 36 давлатида жами 61 та қуrolли тўқнашув содир бўлган. Улардан 11 таси тўлиқ миқёсдаги урушга айланиб, ҳар бирида қариб минг нафардан ортиқ инсон ҳаётдан кўз юмган.

Ҳисоботда айтилишича, 2023 ва 2024 йилларда қуrolли можаролар сабаб 129 минг киши ҳалок бўлган. Бу сўнгги 30 йилдаги ўртача даражадан анча юқори кўрсаткичдир. Экспертларнинг қайд этишича, қуrolли можаролардан энг кўп азият чеккан минтақа Африка ҳисобланади.

Тадқиқотда ички қуrolли тўқнашувлар сонининг кескин ошгани алоҳида таъкидланади. Жумладан, ўтган йили қитъанинг 28 та давлатида қуrolли можаролар кузатилган. Ундан кейинги ўринни 17 та можаро билан Осиё эгаллаган. Яқин Шарқда 10 та, Европада 3 та, Америка қитъасида эса 2 та низо қайд этилган.

Дастур кексалар учун ғамхўрликни назарда тутати

“South China Morning Post” нашрининг Хитой Саноат ва ахборот ҳамда Фуқаролик маъмурияти вазирликлари маълумотларига таяниб ҳақлар беришича, бугунги кунда асосий вазифа — технология қандай қилиб кексалар парваришида оилага юкламани камайтириши, ходимлар етишмаслигини қоплаши ва тизим тараққиётига ёрдам беришини аниқлашдан иборат. Ҳужжатда қайд этилишича, гап учта йўналиш — уйда, жамоада ва иختисослаштирилган муассасаларда ёрдам кўрсатиш ҳақида кетмоқда.

Дастур Хитойдаги демографик ўзгаришлар фонида ногиронлиги бўлган инсонларга ёрдам кўрсатишни, ҳиссий қўллаб-қувватлашни, “ақлли” турмуш тарзини ташкил этишни ва кундалик ишларда кўмаклашишни назарда тутати. Маълумки, мамлакат аҳолиси тез суръатларда “қаримокда”, кекса ёшдагиларга ғамхўрлик кўрсатадиган меҳнат ресурслари эса етишмаяпти.

Ўтган йил охирида Хитойда истиқомат қилаётган 60 ёшдан ошганлар сони 300 миллиондан зиёдни ташкил этган. Прогнозларга кўра 2035 йилга бориб бу рақам 400 миллиондан ошиши мумкин.

Интернет хабарлари асосида
Шарофиддин ТУЛАГАНОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

МУДОФАА ЯНГИЛИКЛАРИ

Ёшларимиз — келажак бунёдкорлари

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ маданият саройида “Янги Ўзбекистон ёшлари — келажак бунёдкори” шиори остида Мудофаа вазирлигининг Қашқадарё вилоятида жойлашган ҳарбий қисм ва муассасалар ҳарбий хизматчилари иштирокида “Ёш ҳарбийлар форуми” бўлиб ўтди.

Форумда хизмат давомида турли ютуқларга эришган, креатив фикрга, яратувчанлик қобилиятига эга ёш ҳарбий хизматчилар сўз олиб, бугунги кунда ёшларга яратиб берилаётган имконият ва имтиёзлар ҳақида фикр билдиришди. Фаол иштирокчилар округ кўмондонлиги ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан тақдирланди.

Шундан сўнг меҳмонлар инновацион ишланмалар кўргазмаси билан танишиб, округнинг шонли тарих музейи бўйлаб саёҳат қилишди.

«Breyn Ring» — интеллектуал майдон

Қорақалпоғистон Республикаси замини бу гал интеллектуал майдон — “Breyn Ring” мусобақасига мезбонлик қилди. Юртимиз куч тузилмаларида хизмат қилаётган фидойи ҳарбийлар бир саҳнада жам бўлиб, ақл ва заковат беллашувда ўз билим ҳамда салоҳиятларини синовдан ўтказди.

Мусобақанинг асосий мақсади — ҳарбий хизматчилар орасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, манتيқий фикрлаш, тезкор ва тўғри қарор қабул қилиш кўникмаларини ривожлантириш, шунингдек, жамоавий ишлаш маданиятини янада мустаҳкамлашдир.

“Заковат” мусобақасида Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда бошқа қучишлар тузилмаларининг билимдон ҳарбий хизматчилари иштирок этди. Қизгин кечган беллашувда қатнашчилар тарихнинг мураккаб саҳифаларидан тортиб, замонавий ҳарбий технология ва умумий дунёқарашга оид саволларга жавоб бериш орқали ўзларининг билимларини намоён этди.

Тадбир якунида энг фаол ва билимдон иштирокчилар муносиб рағбатлантирилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

ЮРТИМИЗ БЎЙЛАБ 110 ТА СУҒОРИШ НАСОС СТАНЦИЯСИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИНАДИ

Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТББ) Ўзбекистон бўйлаб 110 та суғориш насос станциясини модернизация қилиш учун 250 млн. долларгача бўлган суверен кредит ажратди.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги маълум қилди.

Унда қайд этилишича, пойтахтимизда ўтказилган тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида ЕТББ ҳамда Ўзбекистон Республикаси ўртасида битим имзоланган. Мазкур ҳужжатга кўра мамлакат бўйлаб 110 та суғориш насос станциясини модернизациялаш учун 250 млн. АҚШ долларигача бўлган суверен кредит ажратилиши назарда тутилган.

“Ушбу лойиҳада 10 та худуд қамраб олинади ва у Ўзбекистон суғориш тизимини модернизация қилиш бўйича Миллий дастур ижросига кўмаклашади. Натижада йилга 251 минг мВт/соат электр энергияси тежалади ва атмосфера ҳавосига чиқариладиган карбонат ангидрид миқдори 117 минг тоннадан ортиқроқ камаяди. Шунингдек, лойиҳа доирасида насос станцияларининг томларига қуёш панеллари ўрнатилиши каби қўшимча инфратузилма ҳам янгиланади”, дейилади вазирлик хабарига.

Маълумот учун, ҳозирги кунда Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги инвестициявий портфели 5,6 млрд. евро қийматига 181 лойиҳани ўз ичига олади. Маблағларнинг асосий қисми хусусий секторни ривожлантиришга йўналтирилган.

КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОРХОНАЛАРИ УЧУН МАХСУС ВАГОНЛАР ҚУРИШ ЎЗЛАШТИРИЛДИ

“Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” АЖ бошқаруви раисининг маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологиялари масаласи бўйича биринчи ўринбосари Дилмурод Нигмановнинг айтишича, янги 61-933 русумидаги вагонлар ана шу кўрсатмалар асосида қурилган бўлиб, улар бугунги замон талабларига тўлиқ жавоб беради.

Мухташам қўриниш, замонавий интерьер, энг асосийси, қулай ва хавфсизлиги билан ажралиб туради. Навоий кон-металлургия комбинатида тақдим этилаётган вагонлар умумий 160 нафар йўловчига мўлжалланган бўлиб, 110 та ўриндиққа эга. Хаво совитиш ва иситиш тизими билан жиҳозланган.

— Корхонамиз ишчи-ходимларини ташишда фойдаланилаётган вагонлар эскириб, янгилашга эҳтиёж туғилган эди, — дейди “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ Темир йўл транспорт бошқармаси вагон хизмати бошлиғи Самат Умаров. — Шу боис

махсус вагонлар сотиб олиш бўйича шартнома тузиб, заводнинг 2025 йилги ишлаб чиқариш режасига киритган эдик. Буни қарангки, завод жамоаси бюрократизмни жуда қисқа фурсатларда бажариб, атиги беш ой ичида янги вагонларни тақдим қилди. Улар кутганимиздан ҳам аъло даражада ишланган. Ававалгилари билан таққосласак, ҳозиргилари ҳаракатланиш тезлиги юқори бўлса-да шовқинсиз. Буни юртимизда ишчи-ходимларга қулай меҳнат шароити яратиш бериш бораси-



Тошкент — Аланья: АВИАКОМПАНИЯ ТАРИХИДА ИЛК ПАРВОЗ

“Uzbekistan Airways” АЖ тарихида илк бор Тошкент ва Аланья йўналиши бўйича парвоз амалга оширилди.

Гап шундаки, авиакомпаниянинг “Asialuxe Travel” туроператори билан ҳамкорлиги натижасида йўловчилар учун Тошкент — Аланья — Тошкент йўналиши бўйича тўғридан-тўғри қатновлар йўлга қўйилди.

Мазкур янгилик ушбу соҳада миллий авиакомпания фаолияти самарадорлигини намоён этиши билан бирга, аҳолига қулайликлар яратиш йўлидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди.

«Халқ сўзи».

Сўғдиёна ОМОНАЛИЕВА.

даги ишларнинг яна бир намунаси дейиш мумкин. Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводининг саноат корхоналари учун махсус вагонлар ишлаб чиқариш лойиҳаси юртимиз темир йўл инфратузилмасини янада ривожлантириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш ва юқори иқтисодий самарадорликка эришишни таъминлаш йўлида ташланган навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Сўғдиёна ОМОНАЛИЕВА.



НАВОИЙДАН БАҲРА ОЛГАН ҒАРБ

Алишер Навоий нафақат ўзбек, балки барча туркий халқларнинг фахру ифтихорига айланган буюк мутафаккирдир. Шу пайтга қадар турк дунёсида унингчалик катта ва сермазмун меросга эга бўлган шоирни учратиш қийин. Алишер Навоий нафақат шоир ва мутафаккир, балки йирик давлат ва жамоат арбоби ҳам эди.

Қиёс

У ҳақиқи равишда ўзига қадар туркий тил-да ҳеч ким бу қадар юксак чўққиларга чиқа олмаганини намойиш этди. “Ғаройибус-си-ғар”дан ўрин олган бир маснавийда ўқий-миз:

Мен улменки, то турк бедодидур,
Бу тил бирла то назм бунёдидур,
Фалак кўрмади мен киби нодире,
Низомий киби даҳр аро қодире.

Ҳазрат Алишер Навоий мероси дастав-вал туркий ва форсий адабиёт дунёсида кенг ёйилди. Темурийлар, шайбонийлар, сафа-вийлар, усмонийлар, бобурийлар ва бошқа сулолалар даврида унинг асарлари қайта-қайта котиблар томонидан кўчирилди.

Европага шоир ижоди унинг ўлимидан ярим аср ўтиб кириб борган дейилса, ҳато бўлмайди. 1557 йилда Венецияда Майкл Трэмеззино томонидан италиян тилида нашр этилган асар муқаддимасида “Уч Сарандип шахзодасининг саргузаштлари” муаллифи мазкур асардаги воқеани табризлик Христофор Армани исмли кишидан эшитганини эслатиб ўтади. Христофор Армани бу сю-жетнинг бир қисмини Алишер Навоийнинг “Хамса”сига кирувчи “Саъбаи сайёр” дос-тонидан олган. Ушбу асар 1766 йилгача Ев-ропада 11 марта қайта-қайта нашр этилган.

Китобнинг биринчи қисмида Сарандип шохнинг уч ўғли саёҳатга отлангани ва кўп саргузаштларни бошдан кечирганлари ҳақида ҳикоя қилинади. Шахзодалар бир мамлакатга боришганда ўғрилиқда гумон қилиниб, мамлакат шохи Баҳром Гўрнинг ҳузурига олиб келинади ва ақл-заковатлари туфайли подшоҳнинг ишончини қозонади-лар. Улар Баҳром Гўрни ўлдиршни ният қилган вазирадан халос бўлишга сабаб бўлишади. Асарнинг иккинчи қисмида Баҳ-ром шахзодаларни ўз хизматиға олади. У ўз севглисини Дилоромни ҳайдаб юборган ва унинг фирқоқда изтироб чекиб, хастала-ниб қолган эди. Табиблар уни даволашда ожиз қолади. Шунда шахзодаларнинг маслаҳати билан Баҳром етти қаср қуриб, турли мамлакатлардан келган мусофирлар-нинг ҳикояларини тинглайди. Еттинчи тунда Дилором ҳақида хабар топади.

“Уч Сарандип шахзодасининг саргузашт-лари” кейинчалик Европа адабиётида бир қанча янги асарлар юзага келишига сабаб-чи бўлди. Масалан, Вольтернинг “Задиг ёки тақдир” қиссасидаги воқеалар ҳам “Уч Са-рандип шахзодасининг саргузаштлари”га ўхшаб кетади. Задигнинг донолиги, ҳозир-жавоблиги, тадбиркорлиги “Саъбаи сайёр” ҳикояларидан биридаги заргар йигит Зайд-ни эслатади. Зайд ҳам, Задиг ҳам ўзлари яшаган мамлакат подшоҳининг ишончини

қозониб, саройда катта мавқега эга бўли-шади. Сарой аъёнларининг фитнаси сабаб иккови ҳам мамлакатдан қочиб кетишга маж-бур бўлади. Ҳар икки қаҳрамон ўзга юрт-ларда турли қийинчиликларни бошдан ке-чиради. Рухонийларнинг ҳйллаларига дучор бўлади. Асар охирида улар ўз ватанларига қайтиб, яна саройдаги юқори лавозимлар-ни эгаллашади.

Машҳур инглиз адаби Уильям Шекспир “Уч Сарандип шахзодасининг саргузаштла-ри” асарини ўқиган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки, “Хамлет” трагедиясидаги во-қеалар, Баҳром Гўрга нисбатан уюштирил-ган суикасд, Хамлетнинг сарандиплик шах-зодалар сингари ақл-заковати ўша асар во-қеаларини эслатади.

Шекспирнинг “Хамлет” пьесасида шахз-оданинг гўрковлар билан учрашуви кўпчилик-нинг ёдида бўлса керак. У гўрков улоқтир-

Мутафаккир бобомиз асарларида илгари сурилган ғоялар, ҳикматли сўзлар, сюжет-ларнинг Европа адабиётининг машҳур адиб-лари ижодида ҳам учраши тасодиф эмас-дек. Испан адаби Мигель Сервантеснинг ўлмас “Дон Кихот” романи рицарлик роман-ларига пародия тариқасида дунёга келган. Бу асар турли афоризмларга, ҳикматларга тўла. Асарнинг иккинчи қисмида Санчо Пан-со дўсти Дон Кихотга шундай дейди: “Ҳаёт худди шахмат тахтасига ўхшайди: ўйин ту-ғаш билан шох ҳам, пиёда ҳам битта қути-га тушади”. Бу фикрни Сервантес қаердан олган бўлиши мумкинлигини айтиш қийин. Аммо Алишер Навоий бу фикрни Серван-тесдан аввалроқ айтгани ани ҳақиқат.

“Лисон ут-тайр” дostonида шахмат уста-лари ҳақида битта ривоят келтирилади. Унга кўра ҳар икки шахматчи арсага сипоҳларни жойлаб чиқишади. Шахматда ҳар бир сипоҳ

“Мутафаккир бобомиз асарларида илгари сурилган ғоялар, ҳикматли сўзлар, сюжетларнинг Европа адабиётининг машҳур адиблари ижодида ҳам учраши тасодиф эмасдек. Испан адаби Мигель Сервантеснинг ўлмас “Дон Кихот” романи рицарлик романларига пародия тариқасида дунёга келган. Бу асар турли афоризмларга, ҳикматларга тўла. Асарнинг иккинчи қисмида Санчо Пансо дўсти Дон Кихотга шундай дейди: “Ҳаёт худди шахмат тахтасига ўхшайди: ўйин туғаш билан шох ҳам, пиёда ҳам битта қутига тушади”. Бу фикрни Сервантес қаердан олган бўлиши мумкинлигини айтиш қийин. Аммо Алишер Навоий бу фикрни Сервантесдан аввалроқ айтгани ани ҳақиқат.

ган бош суягини олиб, у қайсидир сиёсатчи ёки амалдорнинг боши бўлгани, энди бош-қалар қўлида ўйинчоқ бўлаётганидан таас-суф чекади.

Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” дostonида ҳам худди шундай саҳна бор. Ис-кандар бир юртни фатҳ этгач, бу мулкка шу ерлик бошқа бир инсофли, ақлли, адолатли инсонни подшоҳ этиб тайинламоқчи бўла-ди. Унинг талабларига мос келадиган бир дарвешсифат одамни топиб келишади. У қўлига иккита суякни олиб келганди. “Бу су-яклардан бири гадоник, иккинчиси шохни-ки, аммо уларни бир-биридан фарқ қилол-май турибман”, дейди. Дарвиш бу билан ҳаётнинг ўтқинчи экани, инсон ўлиб тупроққа айланганидан сўнг, унинг қайси макомда бўлгани ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмас-лигини таъкидлайди:

Чу ўлганда бирдур бу ики матоъ,
Тирикликда невчун қилурлар низоъ.

ўз позициясига, ўз юриш услубига эга. Унда шох ўз ўрнида, пиёдалар ўз ўрнида туради. Оддий пиёдадан то фарзингача шохни ҳимоя қилиб, рақиб шохини мот қилиш учун кура-шади. Аммо ўйин туғаш билан ҳар икки устод шахмат доналарини битта халтага со-лишади. Энди арса устидаги тартиб, низоом бўзилади. Халтада шох пиёданнинг тагига ту-шиб қолади.

Чун харита ичра боғланди бари,
Шоҳ қийдур ё пиёда юқори.

Албатта, буюклар турли замон ва макон-ларда туриб, бир хил фикр юритиши, бирор масала бўйича умумий хулоса чиқариши ҳам мумкин. Бундай ҳодиса битта мутафаккир ва бошқа буюк салафлар ижодида такрор-ланаверса-чи?

Француз уйғониш даврининг буюк ваки-ли, файласуф Франсуа де Ларошфуконинг (1613 — 1680) ҳикматлари икки ярим аср-дан бери ўқувчиларни мушоҳадага ундаб ке-

ЖАСОРАТЛИ ВА МЕҲНАТКАШ АЁЛ...

Хоразмда Шакаржон Хўжаниёзова таваллудининг 70 йиллиги кенг нишонланди



Эл эътирофи

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 1-2 май кунлари Хоразм вилоятига ташрифи чоғида кўп йиллар давомида эл-юрт учун фидокорона хизмат қилган давлат ва жамоат арбоби Шакаржон Хўжаниёзова таваллудининг 70 йиллигини кенг нишонлаш ҳамда хотирасини абадийлаштириш буйича топириқ берган эди. Шу муносабат билан Хоразмда юртимизнинг ардоқли фарзанди хотирасига бағишланган қатор тадбирлар бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб Богот туманидаги

“Толли бобо” қабристонида Шакаржон Хўжаниёзованинг

қабрини зиёрат этиб, Қуръон тиловат қилди. Шундан сўнг чинакам ўзбек аёли тимсоли бўлган, фидойи ва матонатли раҳбар Шакаржон Хўжаниёзо-ва яшаб ўтган хонадонда уй-музейи очилди. Музейдан унинг ҳаёти ва фаолиятига оид экспонатлар ўрин олган.

— Богот туманидаги асо-сий кўчалардан бирига ва туман спорт мак-табига қарашли гимнастика мар-казига Шакар-жон Хўжаниё-зова номини бериш бўй-ча қарор лойиҳаси тайёрланди, — дейди Хо-разм вилоят-ти ҳокими-нинг ўринбо-сари — оила ва хотин-қизлар бошқармаси бош-лиги Нигора Қўтиму-ротова. — Президенти-мизнинг топириғига асосан вилоятдаги фаол хотин-қиз-лар ўртасида Шакаржон Хўжаниёзова номидида етак-

чи аёллар танловини ўтка-зиш, ғолибларни давлат идо-ралари учун раҳбар кадрлар захирасига тавсия қилиш ме-ханизми ишлаб чиқилди ва мазкур танловни юқори са-вияда ташкиллаштириш бўйича жараёнинг давом эт-моқда.

Хотира тадбирларининг асосий қисми Урганч шаҳри-даги вилоят муסיқали драма театрида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Зу-лайхо Маҳкамова, вилоят ҳокими Жўрабек Раҳимов катнашиб, Шакаржон Хўжа-ниёзованинг Ватан ва халқ олдидаги улкан хизматлари ҳақида тўхталди.

Тадбирда жасоратли ва меҳнаткаш инсон — Шакар-жон Хўжаниёзованинг сер-қирра фаолияти акс этти-рилган саҳна кўринишлари, расмлар кўргазмаси намойиш этилди. Фаол иштирокчилар турли номинациялар бўй-ча вилоят ҳокимининг та-шақкурномаси билан тақ-дирланди.

Одилбек ОДАМБОВ
(«Халқ сўзи»).

ОСИЁНИНГ ЮРАГИ

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, “Ўзбекистон ифтихори” унвони соҳиби Аббосбек Файзуллаевга

Бургут полапони бургут,
Шер боласи шер бўлур.
Элин танитади ботир,
Шердан ҳам зўр ёр бўлур.

Теран томир Амударё,
Сирдарёнинг гужуми.
Бобур Мирзо ҳамласидек
Аббосбекнинг ҳужуми.

Кучимизга шубҳа қилган
Кўрсин ўзбек футболчин.
Дунё кўрди Аббосбекнинг
Кетма-кет урган голин.

Бирин-кетин ерга тегди
Рақибларнинг кураги.
Ўзбекистон —
Осиёнинг юраги!

Футболкада ҳилпирайди
Сонлар, аниқ рақамлар.
Ал-Хоразмий рақамий
Билармикин ҳакамлар?!

Стадион қалқиб кетар
Футболчи урган голдан.
Самоларга, фазоларга
Парвоз бошланар нолдан.

Ҳали тиши чиқмаганди,
Дунё эди чақалоқ
Ал-Беруний кашф этганда —
“Замин тўндёк юмалоқ!”

Футбол — тақдир пешонадир,
Футболчи, майдонни ўп.
Шамол бўлсанг, оёгингга
Севиниб бош қўяр тўп.

Йигит учун ёқасига
Қизлар сенади атир.
Футбол — санъат, футбол — ибрат,
Футбол — асли театр.

Охуларнинг қадамига
Овчи қўяр қопқон-дом.
Ўзган ҳужумчини рақиб,
Чалиб ийқитар фирром.

Фирром рақиб доғда қолар,
Кесиб ўзади Аббос.
Тутқич бермас шамол бўлиб,
Эсиб ўзади Аббос.

Ярим ҳимоячи чопар,
Етолмайди ҳатто от.
Копток сурган Аббосбекнинг
Оёғида бор қанот.

Футбол аро юксак бўлди
Аббосбекнинг парвози.
Жаҳон бўйлаб авжга чиқди
Ўзбекистон овози!

Рустам МУСУРМОН,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими,
Қорақалпоғистон халқ шоири.

«ТУХУМ БАРАК» МИЛЛИЙ ТАОМИ — ГЕОГРАФИК КЎРСАТКИЧ СИФАТИДА

Адлия вазирлиги томонидан Хоразм вилоятига хос бўлган “Тухум барак” миллий таоми географик кўрсаткич сифатида давлат рўйхатидан ўтказилди.

Мазкур таом ўзига хос тайёрла-ниш усули, таркиби ва қадимий анъана-ларга асослангани билан ажралиб тура-ди. “Тухум барак” асосан Хоразм вило-яти аҳолиси ораси-да кенг тарқалган бўлиб, ушбу худуд-нинг бой маданий-гастрономик меросини акс эттиради. Географик кўрсаткич сифатида рўйхатдан ўтказилиши бу таомни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, сифат ва нуфузини сақлаб қолиш ҳамда Хоразмнинг худудий бренди сифатида тарғиб қилиш имконини беради.

Эслатиб ўтамыз, географик кўрсаткич — бу махсулотнинг маълум бир худудга хослиги ва айнан шу худуд омиллари билан боғлиқ алоҳида сифатларга эга эканлигини билди-рувчи интеллектуал мулк объекти ҳисобланади.

«Халқ сўзи».

Тошкент Фотосуратлар уйида фоторассом Ирина Шурнинг «Кўп қиррали Италия» номли шахсий фотокўргазмаси очилди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 642. 13 107 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетаник ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Тахририятга келган кўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмомов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.

Мусахҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.50 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6